# САМАРАЛИ МУЛОҚОТ

**Қибрай туманидаги Салор шаҳарчасида «Бугунги кун ўзбек аёли қиёфаси» мавзуида мулоқот уюштирилди.**

Тумандаги қишлоқ ва маҳаллаларда истиқомат қилаётган хотин-қизлар вакиллари, тадбиркор ва фаол аёллар, мутахассислар ҳамда ўқувчи ёшлар иштирокидаги тадбирни ўтказишда бир қатор жамоат ташкилотлари ташаббус кўрсатдилар.

Вилоят «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш нодавлат-нотижорат маркази мутасаддилари ва мутахассислар бугунги ўзбек аёли, унинг қувонч ва ташвишлари, ютуқ ва муаммолари, шунингдек маънавий қиёфаси хусусида сўз юритдилар. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши мулоқот қатнашчиларига совғалар тортиқ этди.

**Ш. ҒАЙРАТОВ.**

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитасида ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари IV сессиясидаги нутқидан келиб чиқувчи вазифалар муҳокама этилди.**

Йиғилишда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари томонидан ўртага ташланган вазифалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришар экан, Тошкент вилоятидаги бугунги иқтисодий-ижтимоий муҳит, сув, газ ва иссиқлик энергияси таъминотидаги узилишлар, маиший ва коммунал хизматлардаги муаммолар ижтимоий инфраструктуранинг ривожига салбий таъсир кўрсатиб, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига сабаб бўлганлигини эътироф этишди.

Тошкент вилоятидаги моддий-техник база ривожланган замонавий коммуникация тармоқларига эга. Қолаверса, мамлакатимизнинг етук илмий тадқиқот муассасаларининг аксарияти ҳам шу ҳудудда жойлашган. Тадбир сўнгида мазкур муаммоли вазиятни бартараф этиш бўйича партия олдида турган устувор вазифалар ва йўналишлар белгилаб олинди.

**«Туркистон-пресс».**

**Тошкент вилояти ҳокимининг «2005-2006 йилларнинг куз-қиш мавсумларида аҳолини табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш бўйича манзилли дастури тўғрисида»ги 35-сонли қарорига мувофиқ тегишли ташкилотлар томонидан таъминотда юзага келадиган узилишларнинг олдини олишга қаратилган амалий чоралар кўрилди. Бу мавзуни «Тошкентвилоятгаз» ҳудудий газ тармоқлари корхонаси раҳбари Зафар Мирсаидов қуйидагича шарҳлайди:**

# ТАЪМИНОТДАГИ СИНОВ МАВСУМИ

— Қиш фасли — коммуналчилар учун синов мавсуми. Унинг маромида ўтиши тизимдаги ҳар бир тармоқ вакилларидан алоҳида масъулият талаб этади.

Сир эмас, ўтган йили обҳаво совиб, ҳарорат кескин пасайиб кетган даврда аҳолини табиий газ билан таъминлашда узилишлар юзага келди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган 3 мингдан ортиқ улгуржи истеъмолчилар билан тузилган шартномаларга куз-қиш мавсумида табиий газ етказиб берилмаслиги хусусида ўзгартиришлар киритилди. Шунга асосан, мавсумий истеъмолчилар: ғишт заводлари, иссиқхоналар, саноат корхоналари 1 ноябрдан ўзларининг ёқилғи заҳирасига ўтмоқлари керак. Тартибга амал қилмаган хўжаликлар қонун доирасида маъмурий жавобгарликка тортилишлари кўзда тутилган. Бу чора-тадбирлар аввало аҳолини табиий газ билан барқарор таъминлашга қаратилгандир.

Шунга яраша аҳоли газдан мақсадли, режали фойдаланмоғи керак. Бунда ҳар томонлама манфаатли, қулай ва ишончли газ ҳисоблагич ускуналари муҳим ўрин тутади.

— **Давлат дастурининг 2005 йилга мўлжалланган босқичида таъминотни барқарорлаштиришга, қолаверса, қишлоқ аҳоли пунктларини табиий газ билан таъминлашга доир кенг кўламли ишлар бажарилди, шундай эмасми?**

— Бу борада айтиш мумкинки, Қибрай тумани Амир Темур маҳалласига «Тошкентшаҳаргаз» ҳудудий газ таъминоти корхонасига қарашли диаметри 159 мм.ли юқори босимли газ тармоғидан 760 метр узунликдаги газ тармоғи, Чинобод қишлоғига Бўстонлиқ газ тақсимлаш шаҳобчасидан 1,84 км. узунликдаги юқори босимли газ тармоғи, Тузел қишлоқ фуқаролар йиғини Т. Нурмуҳамедов жамоа хўжалиги ҳудудига, Янгибозорга йўналган диаметри 500 мм.ли юқори босимли газ тармоғидан 16,0 км узунликдаги газ тармоғига, Зангиота тумани Назарбек ширкат хўжалигидан Назарбек маҳалласига узунлиги 1,2 км. газ тармоғи, шунингдек, Қуйичирчиқ тумани Меҳнатобод газ тақсимлаш шаҳобчасидан Меҳнатобод ширкат хўжалигига диаметри 219 мм.ли узунлиги 2,3 км. газ қувури тортилди.

Меҳнатобод ширкат хўжалиги Кенгаш қишлоғига узунлиги 1,8 км., Юқоричирчиқ тумани Бирлик ширкат хўжалигидаги Олмазор қишлоғига 1,0 км. узунликдаги газ тармоқлари фойдаланишга топширилди.

— **Мавжуд газ тармоқларини мавсумга созлаш ва таъмирлаш ишлари қай даражада якунланди?**

— 1 ноябрь ҳолати билан шарҳлайдиган бўлсак, 6269 та газ тақсимлаш нуқталарида тафтиш ўтказилди. 464 км.ли газ қувурлари махсус асбоб ёрдамида текшириб кўрилди. 89,7 километр қувурлар ҳаво орқали тозаланди.

Булардан ташқари, қувурларни мукаммал таъмирлаш 32,8 километр, жорий таъмирлаш 120,5 километр ҳажмида амалга оширилди.

Вилоят газ хўжалиги тармоқларида қиш мавсумида аҳолини табиий газ билан таъминлашни яхшилаш, газ корхоналари ва истеъмолчилар билан ҳисоб-китобларнинг янгича механизмларини яратиш борасидаги амалий ҳаракатлар бугун ўз самарасини кўрсатмоқда.

Бу эса вилоятимизда газ таъминоти барқарор бўлишидан, қиш мавсумининг муаммоларсиз ўтишидан далолатдир.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**Сўнги йилларда мамлакатимизда спортнинг қатор турлари бўйича семинарлар ташкил этилиши анъанага айланиб қолди. Тошкентда икки кун давомида ана шундай тадбирлардан бири ниҳоясига етди.**

# МУРАББИЙЛАР ДАРС ОЛИШДИ

Пойтахтимиздаги "Dedeman Silk road" меҳмонхонасида "Бадиий гимнастика бўйича спортчилар тайёрлаш" мавзуида ўтказилган халқаро семинарда мутахассислар композициялар яратиш, спортчиларни нафақат жисмонан балки руҳан тайёрлашга доир масалалар бўйича фикрлашиб олишди. Икки кун давом этган машғулотларда мутахассислар композиция яратиш ва ундаги ҳаракатларнинг аҳамияти, етук спортчиларни жисмонан ва руҳан тайёрлашда зарур бўлган кўрсатма ва тавсиялар олишди. Семинар якунида қатнашчиларнинг барчасига сертификатлар топширилди.

**«Туркистон-пресс».**

# УМИДЛАР МАСКАНИ

**Дунёда оиланинг ҳузурбахш лаззати, шубҳасиз, фарзанддир. Ўғил-қизлар тарбияси эса, аввало, аёл, она, тарбиячи, мураббийлар зиммасидаги улкан масъулиятдир.**

Чиноз шаҳри марказида жойлашган Ҳилола номли 36-болалар боғчаси тумандаги энг намунали мактабгача таълим муассасаларидан бири. Унга 40 йиллик иш тажрибасига эга бўлган Клавдия Александрова раҳбарлик қилади. Тарбияланаётган 183 нафар болажон учун барча шароитлар муҳайё этилган. Ёзда соя-салқин, хушманзара айвончалар, қишда иссиқ ётоқхона, ошхона, ювиниш, машғулотлар хоналари, 6 ёшлилар учун керак бўладиган зарур анжомлар билан жиҳозланган дарсхоналар, каттагина хонада яратилган табиат, миллий қадриятлар, спорт бурчаклари болажонларнинг баркамол тарбия олишларига хизмат қилади.

Боғчада мўъжазгина ҳайвонот боғи ҳам барпо этилган. Айниқса, болажонларнинг ўзлари ясаган турли юмшоқ ўйинчоқлар, улар парваришлаётган хонаки гуллар бу ерда нозик дидли, уқувли, меҳнатсевар ўғил-қизлар вояга етаётганлигидан нишона. Турли эртак китобларидан жамланган кутубхона, кичкинагина доска, янги педагогик технологиялар асосида тайёрланган кўргазмалар катта ёшдаги тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларининг севимли гўшасига айланган. Албатта, бундай машғулотларга қатнашган болалар мактабга борганда ҳеч бир қийинчиликсиз ўқишни давом эттирадилар.

— Боғча ходимларининг кўпчилиги, камида 20 йиллик иш тажрибасига эга бўлган моҳир педагоглардир, — дейди боғча услубчиси Зулфия Алимуҳамедова. — Шунинг учун болалар билан тез тил топишиб кетишади. Бундан ота-оналарнинг ҳам кўнгли тўқ. Тарбиячилар Раъно Сиддиқова, Азиза Ашимова, Надежда Андреева, Дилафрўз Абдураҳмонова, Матлуба Юсупова, Нафиса Исҳоқова, Шоира Назарова, ширинсўз ҳамшира Ниятой Аҳмедовани болажонлар ўз оналаридек севиб, машғулотларида қизиқиш билан иштирок этадилар.

Хуллас, келажагимиз эгалари — азиз болажонларнинг севимли боғчасида олиб борилаётган ишлардан ибрат олса арзийди.

**Сайёра РИХСИЕВА.**



***СУРАТДА:** услубчи Зулфия Алимуҳамедова боғча тарбияланувчилари билан бирга.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**



# ЕР ТИНАДИ, ДЕҲҚОН ТИНМАЙДИ

**Ҳақиқий деҳқон учун йил фаслларининг фарқи йўқ аслида. Ҳатто, қишда ер дам олаётган пайтда ҳам у тинчимайди. Келгуси йил ҳосили тақдирини ўйлайди, кўклам ва ёзнинг ғамини ейди. Гектарлаб ерга эгалик қилаётган фермер, қолаверса, пудратчию ижарачи учун ҳам кузги-қишки тадбирлар йилнинг қолган фаслларидаги каби долзарб юмуш ҳисобланади.**

Ҳамма ерда бўлганидек, Тошкент туманидаги С. Раҳимов номли ширкат хўжалиги деҳқонлари ҳам айни кунларда кузги шудгорни сифатли якунлаш ҳамда қалин униб чиқиб, қийғос ривожланаётган буғдойни ўғитга тўйдириш, маҳаллий моллар пайҳон қилишидан асраш каби хайрли юмушлар билан бандлар. Уруғлик дон билан бирга гектарига 125 килограммдан аммофос берилган 250 гектардаги буғдой дуркун ривожланиб, қалин тупламоқда. Ҳозир вақти-вақти билан бўлиб турган ёғингарчиликлардан фойдаланиб, гектарига 100 килограмм ҳисобидан азотли ўғит берилмоқда. Ғалла етиштириш юзасидан шартнома тузган пудратчилар кунига 20-25 гектар майдондаги буғдойни озиқлантирмоқдалар. Бундан ташқари буғдойзорлар атрофини четан билан тўсишга ҳам одатдагидек жиддий эътибор берилди. Бугунги кунгача 10 километр узунликда четан тўсиқлар ўрнатилди.

Бу йил хўжаликда 150 гектар ерни кузги шудгорлаш режалаштирилган эди. Шу мақсадда учта «ВТ-150» ва иккита «МТЗ-80» ҳайдов тракторлари олдиндан пухта созланиб, шудгорлашга барвақт киришилди. Вақтдан ютиш ва ерлар сифатли ҳайдалишини таъминлаш учун энг тажрибали механизаторлар жалб этилиб, иш икки сменада ташкил этилди. Натижада кунига ўртача 10 гектар ерни шудгорлашга эришилди. Айни кунларда хўжалик механизаторлари сўнгги гектарларни ҳайдамоқдалар.

Кейинги йилларда хўжалик деҳқонлари ерларни вақти-вақти билан маҳаллий ўғитга тўйдиришни одат қилдилар. Хусусан, ҳозир дала бошларига 620 тонна гўнг чиқаришга улгурилди. Бошқача қилиб айтганда, гектарига 4 тоннадан маҳаллий ўғит тўғри келаяпти. Аммо, бу чегара эмас. Хўжаликда майдонларга маҳаллий ўғит солиш йил бўйи давом этади.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТДА:** (чапдан) механизатор Тоҳир Далаев ва бош пудратчи Илҳом Самитов шудгорлашнинг сифати ҳақида фикрлашмоқдалар.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# МАҲСУЛОТНИНГ СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

**Тошкентда "Ўзстандарт" агентлиги ҳамда Европа Иттифоқи кўмагидаги ТАСИС дастури ташаббуси билан маҳсулот сифатининг халқаро андоза талабларига мувофиқлиги масалаларига бағишланган халқаро семинар ўтказилди. Мазкур тадбир ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида нишонланадиган Халқаро сифат кунига бағишланди.**

Семинарда сифатни назорат қилиш лабораториялари, бир хил турдаги маҳсулотлар, доривор ўтлар, юқори хавфга эга бўлган техник қурилмалар, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини сертификатлаштирувчи идора ва ташкилотлар вакиллари сўзга чиқиб, ўз ишларидаги янги йўналишлар хусусида маълумот беришди.

Ҳозирги пайтда "Ўзстандарт" агентлиги томонидан аккредитация қилинган ташкилотлар сони етмиштадан ошди.

Мазкур тадбирда, шунингдек, мамлакатимиз корхоналарида экология сертификацияси ва сифат менежменти тизимини жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга экани эътироф этилди. Айни вақтда мамлакатимиздаги 54 та корхона сифат менежменти тизими сертификатларига эга. Улар Германиянинг RWTUV, Туркиянинг TSE, Франциянинг Bureau Veritas Quality International каби жаҳонга машҳур компаниялари томонидан берилган.

Ҳукумат қарорига мувофиқ республикамизнинг экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарадиган 200 дан ортиқ корхонаси сифат менежменти тизими сертификатларини қўлга киритиши лозим.

Республикамизда ҳозирги вақтда "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги, "Стандартлаштириш тўғрисида"ги, "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги ҳамда "Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

**«Туркистон-пресс».**

# БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

Ўртачирчиқ туманидаги Одил Шарофиддинов номли маҳалладаги кам таъминланган оилаларга ҳамда ногиронларга Бутунжаҳон Корея инсонпарварлик фонди томонидан кўмак кўрсатилди.

Хусусан 234 та қишки кийим, 45 жуфт пойабзал, 214 та бош кийим тарқатилди.

**Равшан НЕЪМАТОВ.**

## *Табиат ва инсон*

**Инсон саломатлиги жуда кўп омилларга боғлиқ. Жумладан, атроф-муҳитнинг мусаффолиги ҳам алоҳида ўринга эга. Шунинг учун мамлакатимизда, айниқса, мустақилликка эришилганидан сўнг бу масалага эътибор кучайди. Табиатни муҳофаза қилиш идоралари атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш ва яхшилаш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ишларда фаол қатнашмоқда. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи Пўлат Йўлдошев шу йилнинг тўққиз ойидаги ишлар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.**

# САЛОМАТЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



— Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида экологик вазиятни яхшилаш ва унинг барқарорлигини сақлаб қолишдек муҳим ишга ҳисса қўшишга даъват этилган қўмитамиз ходимлари шу мақсад йўлида қатор жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорлик қилишмоқда. Шу туфайли йилнинг ўтган даврида табиат учун ўта хавфли ва кўп даражада ифлосланишга олиб келадиган аварияли ҳолатлар содир бўлмади.

Қўмитамиз экологлари одатдагидек, ўтган ойларда экологик вазиятни яхшилашга қаратилган 6 та йўналишда иш олиб бордилар. Шу даврда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши томонидан белгиланган режа жадваллари асосида 194 та корхона ва ташкилотда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талабларининг бажарилиши текширилди. Уларнинг 177 тасида қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Бундай ўзибўларчилик, лоқайдлик учун олти ярим миллион сўмликдан ортиқроқ жарима тўлашга мажбур бўлдилар. Айни вақтда қонунни бузишда айбдор бўлган 536 нафар шахсга салкам 7 миллион сўмлик жарима солинди ва аксарият қисми ундириб олинди.

Мансабдор шахслар ҳам турли миқдордаги жарималар билан жазоланди. 352 нафар мансабдор шахсга 6 миллион 400 минг сўмлик жарима солинди. Унинг 5 миллион 300 минг сўмликдан ортиғи ундириб олинди. Табиатга катта ҳажмда зарар келтиргани учун 11 ярим миллион сўм товон солинди. Айбдор бўлган 60 нафар шахсдан шу ҳажмдаги зарарни ундириб олиш учун товон тақдим этилди. Аввалги қарзлар билан қўшилганда, ҳаммаси бўлиб 61 нафар шахсдан 13,9 миллион сўмлик товон ундириб олинди.

Атроф-муҳитни ифлослантирганлиги ва чиқиндиларни жойлаштириб, ер майдонларини банд қилганлиги учун қоплама тўловларни ундириб олиш ҳам изчил давом эттирилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 майда 199-қарори асосида корхона ва ташкилотлар билан қоплама тўловлари миқдори келишиб олинган эди. Улар қаторида вилоятнинг 275 та корхона ва ташкилоти бор. Тўлов миқдори эса 409 миллион 156 минг сўм қилиб белгиланган эди. Ана шу тўловлар ва қонунбузарларга солинган жарималар ҳамда қопламалар қўшиб ҳисоблангандa шу йилнинг ўтган тўққиз ойида 622 миллион сўмликдан ортиқ маблағ маҳаллий жамғарма ҳисоб рақамига келиб тушди. Бу маблағнинг анчагина қисми турли мақсадлар учун ажратилди. Чунончи, унинг 294 ярим миллион сўми республика давлат бюджетига ўтказилди. Табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармаси ҳисобидан вилоят ҳокимлигига атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга қаратилган тадбирлар учун 53,4 миллион сўм ажратилди. Бундан ташқари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 8 миллион сўм ёрдам берилди. Биологик фабрика ва лабораториялар ишини тиклаш ва яхшилашга салмоқли ҳисса қўшилди. Уларга 45 миллион сўмлик маблағ берилди. Бу вилоятимизда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши курашишда энг арзон ва тежамли биологик усулни янада кенгроқ қўллаш имконини яратди.

Кейинги вақтларда вилоятимизда экологик фестиваль тадбирларини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бунда қўмитамиз ҳам ўз жамғармаси билан қатнашмоқда. Ўтган тўққиз ойда шу мақсад учун 300 минг сўм маблағ ажратилди.

Вилоятимизда республика Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида»-ги 469-қарори асосида олиб борилаётган ишлар экологик вазиятни яхшилашда муҳим рол ўйнамоқда. Шу қарорни бажариш мақсадида ажратилаётган капитал маблағлар эвазига бир қатор катта ҳажмдаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Режага мувофиқ 29 та шундай тадбир бажарилиши ва бунинг учун 2 миллиард 605 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфлаш белгиланган эди. Ўтган тўққиз ойда 25 та тадбир рўёбга чиқарилди. Бунинг учун эса 4 ярим миллиард сўмликдан кўпроқ маблағ ўзлаштирилди. Биргина Олмалиқ кон-металлургия комбинатида атроф-муҳитнинг мусаффолигини таъминлашга қаратилган ишларга 96,8 миллион сўм сарфланди. Янги Ангрен иссиқлик электр станциясида эса электр фильтрларини таъмирлашга 13 ярим миллион сўм кетди. Айни вақтда бошқа корхоналар томонидан капитал маблағ талаб қилмайдиган, лекин атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга қаратилган юзлаб катта-кичик ҳажмдаги ташкилий-техникавий тадбирлар кўрилиб, бунинг учун ҳам 856,4 миллион сўм харажат қилинди.

Автотранспорт воситалари ҳавога чиқараётган ва табиатни ифлослантираётган заҳарли моддалар миқдорини назорат қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу боис вилоят ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати қошида доимий ва кўчиб юрувчи «Экотрансназорат» экологик пунктларининг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Ҳозир ҳаммаси бўлиб 15 та шундай пункт ишлаб турибди. Улар зарур асбоб-ускуналар билан тўла таъминланди. Бу пунктлар билан биргаликда «Тоза ҳаво» тадбирининг 1- ва 2-босқичлари анча самарали ўтказилди. Чунончи, тадбир давомида 4 ярим мингтадан ортиқ транспорт воситалари кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 576 тасида ҳавога зарарли моддаларни чиқариш меъёрда белгиланганидан анча кўплиги аниқланди ва бу нуқсон бевосита пунктларни ўзида созлаб, бартараф этилди. Атмосфера ҳавосини бузган 39 нафар мансабдор шахс жазоланди. Уларга 348 минг сўмликдан ортиқ жарима солинди ва ундириб олинди.

Вилоятимизда табиатни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори 3,26 минг тоннага қисқарди. Очиқ сув ҳавзаларига ташланаётган ифлос оқавалар эса 4,2 миллион куб метрга камайди.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Мирсобир МИРҲАМИДОВ суҳбатлашди.**

# «БИР МЎЪЖИЗА ТАРИХИ»

**Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги кино саройида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида суратга олинган "Бир мўъжиза тарихи" ҳужжатли фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Тадбирда сўзга чиққанлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурининг асосий йўналишларидан эканини таъкидладилар. Дастурда беморларни дарддан халос этишда фидойилик кўрсатаётган, бундай хайрли ишларга ўзининг бор билим ва тажрибасини сарфлаётган шифокорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Янги ҳужжатли фильмда ана шундай фидойи шифокор-жарроҳ Фатхулла Умархўжаев фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. У жаҳон тиббиёти тажрибасига таянган ҳолда юртимизда илк бор болалар ва ўсмирларда сколиоз – умуртқа поғонасининг қийшайиши хасталигини жарроҳлик йўли билан даволаш усулини қўлламоқда. Бугунги кунгача шифокор 130 нафардан ортиқ беморни ана шу дарддан халос этишга муваффақ бўлди.

Фильм сценарийси муаллифи – Аҳрор Акбархўжаев, оператори – Умид Ортиқов.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

